

# Кузги Буғдойни Экишга Тавсия Этилган Истиқболли Навларида Ўсиш Ва Ривожланиш Фазаларини Ўтиш Динамикаси

*Турсунов Хайрулло Одилжонович<sup>1</sup>, Мадмарова Гулазим<sup>2</sup>*

**Аннотация:** Республикамизнинг қишлоқ хўжалик тизимида иқтисодий ислохотларни тубдан ўзгартириш юртбошимиз Ш.М. Мирзиёев томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан юқори кўрсаткичларда даромад олиш учун замин яратилмоқда.

**Калит сўзлар:** Касаллик, зараркундалар, суғориладиган майдонлар, навлар, фенологик кузатувлар, Чиллаки, Андижон-4, Гурт, Звезда, Алексевич, Антанино.

Бугунги замон барча соҳалар қаторида илм-фанни ҳам янги босқичга кўтаришни талаб қилмоқда. Мазкур соҳани ва олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимизнинг устувор вазифаларидан бири эканлигини алоҳида эътироф этдилар.

Республикамизда 1 млн 77 минг гектрадан зиёд майдонда бошоқли дон экинлари экилган бўлиб, Президентимиз томонидан яратиб берилган кенг имкониятлардан ҳамда ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган самарали ислохотлардан фойдаланиб озик-овқат саноатида аҳолини кундалик эҳтиёжидан зарур бўлган ун ва нон маҳсулотларига бўлган талабини қондириш учун қишлоқ хўжалигининг ғаллачилик соҳасида бир қатор ютуқларга эришиб келинмоқда.

Республикамиз аҳолиси кун сайин ортиб бориши баробарида дон маҳсулотларига бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда. Шунинг учун Республикамизнинг суғориладиган майдонларида турли тупроқ иқлим шароитларига мос, касаллик ва зараркундаларга чидамли, ҳосилдор, дон сифати юқори бўлган юмшоқ буғдойнинг янги навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Олиб борилган тажрибаларда навлар фенологик кузатувлари ўрганилганда тажриба натижалари қуйдагича кузатилди.

Тажриба майдонида хориждан келтирилган ва Ўзбекистонда яратилган кузги юмшоқ буғдойни 6 та навини экиб қиёсий ўргандик. Тажрибалар 3 та қайтариқ 1 ярусда 2 октябрь куни 5 млн дона унувчан уруғ ҳисобида Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг тажриба участкасига экиб жойлаштирилди. Тажриба майдонида фенологик кузатув ишлари олиб борилганда эрта тўлик униб чиқиш даври 13-14 октябрь кунига кузатилди.

Тажриба майдонида хориждан келтирилган ва ўзимизда яратилган кузги буғдой навларини тўла туплаш даври Чиллаки нави 28 феврал кунига, Алексевич ва Звезда навлари 2-март кунига тўла туплаш фазасига кирганлиги кузатилиб, бошқа навлар 4-март кунига тўла туплаш фазасига ўтганлиги кузатилди. тажрибада қишки совук уриш ва илдиз чириш касалликлар билан зарарланиши кузатилмади.

Тажрибада найчалаш даври энг эрта бошлангани Чиллаки нави 27 март кунига кузтилди. Алексевич ва Звезда навлари 30 март кунига тўла найчалаш фазасига ўтганлиги кузатилди. Қолган навлар тўла туплаш даври 1-3 апрел кунлари найчалаш фазасига ўтганлиги кузатилди.

Бошоқлаш даври энг эрта кузатилгани Чиллаки нави 27 апрел кунига, Алексевич ва Звезда навлари 30-апрел кунига, кўчатзордаги бошқа навлар тўла бошоқлаш даври 2 майга тўғри келди. Гуллаш даври навлар ва линиялар бошоқлагандан сўнг об-хавонинг кескин исиши туфайли Чиллаки нави 1 май кунига гуллаш фазасига ўтганлиги кузатилди.

Тажриба даласида навларнинг тўла пишиш даври ўрганилганда Чиллаки, Алексевич ва Звезда навлари 6 июнь кунига тўла пишиш даврига ўтганлиги кузатилиб, эрта пишарлигини намоён этди. Қолган навлар тўла пишиш даври 8-10 июнь кунига кузатилиб, ўрта пишарлигини номоён этди.

Хулоса қилиб айтганимизда тажрибадаги экилган кузги юмшоқ буғдой навлари ичида тез пишар Чиллаки, Звезда ва Алексевич навлари кузатилди.

---

1

2

1-жадвал. Кузги юмшоқ буғдой навларининг фенологик кузатуви. 2021 йил.

№	Навлар	Экилган Муддат	Униб Чиқиш	Туплаш	Найчалош	Бошоқлаш	Гуллаш	Тўла пишиш
1	2	3	4	5	6	7	8	11
1	Чиллаки	2.10.2020	09.10.20	28.02.21	27.03.21	27.04.21	01.05.21	06.06.21
2	Андижон-4	2.10.2020	10.10.20	4.03.21	2.04.21	02.05.21	05.05.21	10.06.21
3	Гурт	2.10.2020	10.10.20	24.02.21	2.04.21	02.05.21	05.05.21	10.06.21
4	Звезда	2.10.2020	10.10.20	02.03.21	30.03.21	30.04.21	02.05.21	06.06.21
5	Алексевич	2.10.2020	10.10.20	02.03.21	30.03.21	30.04.21	02.05.21	07.06.21
6	Антанино	2.10.2020	10.10.20	02.03.21	2.04.21	02.05.21	05.05.21	08.06.21

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халкимиз билан бирга кураимиз. Тошкент, Ўзбекистон нашриёти, 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, Ўзбекистон нашриёти, 2016.
3. Абдукаримов Д. Дала экинлари хусусий селекцияси. -Тошкент. 2007.
4. Абдуазимов А., Жононов Б. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва дастлабки қайта ишлашнинг қишлоқ хўжалиги, экология ва табиий ресурслардан самарали фойдаланишни ривожлантиришдаги ўрни. Республика илмий анжумани мақолалар тўплами.-Қарши. 2017.-Б. 120-122.
5. Сиддиқов Р. Дон сифати нималарга боглик. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали, 2005. №12.-Б. 33-34.
6. Сиддиқов.Р, Эгамов.И, Юсупов.Н “Бошоқли дон экинлари селекциясининг асосий йўналишлари” Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик журнали,
7. Эгамов, У. Набиев.”Кузги буғдойни ҳосилдорлик ва дон сифати юқори навларини яратишда олиб борилаётган селекция жараёнлари натижалари”. “Бошоқли дон ва мойли экинлар селекцияси, уруғчилиги ҳамда уларни етиштириш агротехникасини ривожлантириш истиқболлари”Халқаро илмий-амалий конференция мақолалар тўплами. Андижон-2011й. 21-24 бет.